ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL

INTERNATIONAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 2, 2021

ISSN 2181-1490
Doi Journal 10.26739/2181-1490

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

TOSHKENT-2021

ALISHER NAVOIYNING 580 YILLIK YUBILEYIGA BAG'ISHLANADI

ПОСВЯЩАЕТСЯ 580 ЛЕТНОМУ ЮБИЛЕЙЮ АЛИШЕРА НАВОИ

DEDICATED TO THE 580th ANNIVERSARY OF THE BIRTH OF ALISHER NAVOI

Buyuk shoir va mutafakkir, atoqli davlat va jamoat arbobi Alisher Navoiyning bebaho ijodiy-ilmiy merosi nafaqat xalqimiz, balki jahon adabiyoti tarixida, milliy madaniyatimiz va adabiy-estetik tafakkurimiz rivojida alohida o'rin tutadi. Ulug' shoir o'zining she'riy va nasriy asarlarida yuksak umuminsoniy g'oyalarni, ona tilimizning beqiyos so'z boyligi va cheksiz ifoda imkoniyatlarini butun jozibasi va latofati bilan namoyon etib, yer yuzidagi millionlab kitobxonlar qalbidan munosib va mustahkam o'rin egalladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev

Бесценное творческое и научное наследие великого поэта и мыслителя, известного государственного и общественного деятеля Алишера Навои играет важную роль в истории не только отечественной, но и мировой литературы, развитии национальной культуры и литературно-эстетического мышления. В своих лирических и прозаических произведениях великий поэт, воспевая высокие общечеловеческие идеи, демонстрировал богатый лексический запас и выразительные средства родного языка, благодаря чему занял достойное место в сердцах миллионов читателей по всему миру.

Президент Республики Узбекистан
Шавкат Миромонович Мирзиёев

The invaluable creative and scientific heritage of the great poet and thinker, famous statesman and public figure Alisher Navoi has a special place not only in the history of our people, but also in the history of world literature, the development of our national culture and literary and aesthetic thinking. The great poet, in his poetic and prose works, with his whole charm and grace, has taken a worthy place in the hearts of millions of readers around the world, expressing the high universal ideas, the incomparable richness of words and the infinite possibilities of expression of our native language.

President of the Republic of Uzbekistan
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

Bosh muharrir:

Mirzayev Ibodulla
f.f.d., professor
(O‘zbekiston)

Bosh muharrir o‘rinbosari:

Jabborov Nurboy
f.f.d., professor
(O‘zbekiston)

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI HAY’AT A’ZOLARI:

Muhiddinov Muslihiddin
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Sirojiddinov Shuhrat
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
O‘nal Kaya
f.f.d., professor (Turkiya)
Haqqulov Ibrohim
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilorom Salohiy
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Sodiqov Qosimjon
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Mark Tutan
f.f.d., professor (Fransiya)
Binnatova Almaz Ulvi
f.f.d., professor (Ozarbayjon)
To‘xliyev Boqijon
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Shodmonov Nafas
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ramiz Asker
f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Yo‘ldoshev Qozoqboy
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Jo‘raqulov Uzoq
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Vohid Turk
f.f.d., professor (Turkiya)
Nabiulina Guzal
f.f.d., professor (Tatariston)
Ibrohim Xudoyor
f.f.d., (Eron)
Yusupova Dilnavoz
f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Rahim Ibrohim
f.f.d., professor (Afg‘oniston)
Ruzmanova Roxila
dots., mas’ul kotib (O‘zbekiston)
Qo‘shmonova Yulduz
kotib, o‘qituvchi (O‘zbekiston)

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI ILMIY MASLAHAT KENGASHI A’ZOLARI:

Toshqulov Abduqodir
i.f.d., (O‘zbekiston)
Xalmuradov Rustam
t.f.d., professor (O‘zbekiston)
Sirojiddin Sayyid
O‘zbekiston xalq shoiri (O‘zbekiston)
To‘xtasinov Ilhom
p.f.d. (O‘zbekiston)
Rixsiyeva Gulchehra
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Benedek Peri
f.f.d., professor (Vengriya)
Jurayev Mamatqul
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Olimov Karomatillo
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dadaboyev Hamidulla
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Aitpayeva Gulnora
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Grigoryev Mixail
f.f.d., professor (Rossiya)
Shomusarov Shorustam
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dyu Rye Andre
f.f.d., professor (Fransiya)
Pervin Chapan
f.f.d., professor (Turkiya)
Safarov Renat
f.f.d., professor (Tatariston)
Hamroyev Juma
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibrohimov Elchin
f.f.n., professor (Ozarbayjon)
Hasanov Shavkat
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nurullo Oltoy
f.f.n., (Afg‘oniston)
Xalliyeva Gulnoz
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nodira Afoqova
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Aftondil Erkinov
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

Главный редактор:

Мирзаев Ибадулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Жабборов Нурбой
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

ЧЛЕНЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА АЛИШЕРА НАВОИ:

Мухиддинов Муслихиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сирожиддинов Шухрат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Унал Кая
д.ф.н., профессор (Турция)
Хаккулов Иброхим
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилором Салохий
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Содиков Косимжон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Марк Тутан
д.ф.н., профессор (Франция)
Биннатова Алмаз Улви
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Тухлиев Бокижон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шодмонов Нафас
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рамиз Аскер
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Юлдашев Казакбай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Журакулов Узок
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Вохид Турк
д.ф.н., профессор (Турция)
Набиулина Гузаль
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Иброхим Худоёр
д.ф.н., (Иран)
Юсупова Дилнавоз
д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рахим Иброхим
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Рузманова Рохила
доц., отв. секретарь (Узбекистан)
Кушманова Юлдуз
секретарь, преподаватель (Узбекистан)

ЧЛЕНЫ НАУЧНОГО КОНСУЛЬТАТИВНОГО СОВЕТА МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА АЛИШЕРА НАВОИ:

Тошкулов Абдукодир
к.э.д., (Узбекистан)
Халмурадов Рустам
д.т.н., профессор (Узбекистан)
Сирожиддин Саййид
Народный поэт Узбекистана (Узбекистан)
Тухтасинов Илхам
д.п.н. (Узбекистан)
Рихсиева Гулчехра
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бенедек Пери
д.ф.н., профессор (Венгрия)
Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Олимов Кароматилло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Аитпаева Гулнора
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Григорьев Михаил
д.ф.н., профессор (Россия)
Шомусаров Шорустам
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дю Рье Андре
д.ф.н., профессор (Франция)
Первин Чапан
д.ф.н., профессор (Турция)
Сафаров Ренат
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Хамроев Джума
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Иброхимов Элчин
к.ф.н., профессор (Азербайджан)
Хасанов Шавкат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нурулло Олтой
к.ф.н., (Афганистан)
Халлиева Гулноз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нодира Афокова
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Афтондил Эркинов
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Chief Editor:

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien.,professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor:

Jabborov Nurboy
Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD OF INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER NAVOI:

Mukhiddinov Muslikhiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Sirojiddinov Shukhrat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Unay Kaya
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Khakkulov Ibrokhim
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dilorom Salokhiy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Sodikov Kosimjon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Mark Tutan
Doc. of philol. scien., prof. (France)
Binnatova Almaz Ulvi
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Tukhliev Bokijon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Shodmonov Nafas
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Ramiz Asker
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Yuldoshev Kozokboy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Jurakulov Uzok
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Vokhid Turk
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Nabiulina Guzal
Doc. of philol. scien., prtof. (Tatarstan)
Ibrokhim Khudoyor
Doc.. of philol. scien., (Iran)
Yusupova Dilnavoz
Doc.. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)
Rakhim Ibrokhim
Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)
Ruzmanova Rokhila
Assoc. prof., Exec. Sec. (Uzbekistan)
Khushmanova Yulduz
Secretary, teacher (Uzbekistan)

MEMBERS OF SCIENTIFIC ADVISORY BOARD OF INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER NAVOI:

Toshkulov Abdukodir
Doc. of econ. scien., (Uzbekistan)
Khalmuradov Rustam
Doc. of technic. scien., prof. (Uzbekistan)
Sirojiddin Sayyid
People's poet of Uzbekistan (Uzbekistan)
Tukhtasinov Ilkhom
Doc. of pedag. scien. (Uzbekistan)
Rikhsieva Gulchekhra
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Benedek Peri
Doc. of philol. scien., prof. (Hungary)
Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Olimov Karomatullo
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dadaboev Khamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Aitpaeva Gulnora
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Grigorev Mikhail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)
Shomusarov Shorustam
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dyu Rye Andre
Doc. of philol. scien., prof. (France)
Pervin Chapan
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Safarov Renat
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)
Khamroev Juma
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Ibrokhimov Elchin
Cand. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Khasanov Shavkat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Nurullo Oltoy
Cand. of philol. scien., (Afghanistan)
Khallieva Gulnoz
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Nodira Afokova
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Aftondil Erkinov
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Саҳифаловчи: Абдулазиз Мухаммадиев

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улицв Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editarial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr. 1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI

1.Xolmonova Zulxumor
ALISHER NAVOIYNING ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI 9

NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI

2.Imomnazarov Muhammadjon
INSONIYAT MA’NAVIY TAKOMILIDA AMIR XUSRAV DEHLAVIY VA ALISHER NAVOIYNING O‘RNI 19
3.Benedek Péri
HOW MĪR ᶜALĪ-ŠĪR NAVĀYĪ’S PERSIAN POETRY INFLUENCED THE POET-WARRIOR OTTOMAN SULTAN SELIM I (1512–1520) 33
4.Islam Jemeney
ALISHER NAVOIYNING TURKIY XALQLAR MA’NAVIY YUKSALISHIDAGI O‘RNI 40
5.Maqsudov Badriddin
TOJIKISTONDA NAVOIYSHUNOSLIK 47

HAQIQAT SARI SAFAR

6.Yo‘ldoshev Qozoqboy
O‘ZLIK YO‘LI 56
7.Muhammadiyev Ahadxon
INSONIY FAZILATLAR TARANNUMI 65

MA’RIFAT YOG‘DUSI

8.Alisher Razzokov
ALISHER NAVOIY IJODIDA FAQRLIK MAQOMI VA FAQIR OBRAZINING BADIIY TALQINI 73
9.Norov Toji
NAVOIY ONTOLOGIK FALSAFASIDA SAMOVOT VA ZAMON TALQINI 80

ASLIYAT UMMONI

10.Bertels Y.E
NAVOIY VA ATTOR. Rus tilidan I.K.Mirzayev tarjimasi (parcha) 88

TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O‘ZBEK ADABIYOTI

11.Qorayev Sherxon
ALISHER NAVOIY VA TEMURIYLAR DAVRI ADABIY ANJUMANLARI 102

NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI

12.Rajabova Ma’rifat
NAVOIY IJODIDA MIFOLOGIK OBRAZLAR STILIZATSIYASI 108

ILM, OLAM VA OLIM

13.O‘ralov Axtam
ALISHER NAVOIY – ULKAN BUNYODKOR.....116
14.O‘tanova Sirdaryoxon
TARIXIY ASARLARDA OBRAZ RUHIYATI VA RANG HAQIQATLARI 124

NAVOIY VA ADABIY TA’SIR MASALALARI

15.Mamadaliyeva Zuhra
ISKANDAR OBRAZI VA UNGA NAVOIYNING MUNOSABATI.....131
16.Muhitdinova Nazmiya
SADOIY VA G‘OZIY DEVONLARIDA ALISHER NAVOIY AN’ANALARI (HAMD, NA’T, MUNOJOT VA MANQABAT MAVZULARIDAGI G‘AZALLAR MISOLIDA).....138
17.Haydarova Gulhayo
NAVOIY VA SOBIR ABDULLA.....149
18.Jamahmatov Karomiddin
HOJI MUHAMMAD SHAHDIY IJODIDA ZULLISONAYNLIK AN’ANALARINING TA’SIRI.....155

TALQIN, TAHLIL VA TAQRIZ

19.Sultonov To‘lqin
ALISHER NAVOIY ASRI VA NASRI ALMAZ ULVIY TALQINIDA.....166

NAVOIY VA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI

20.Ubaydullayev Normuhammad
ALISHER NAVOIY TARJIMAYI HOLINI O‘RGANISHDA TARIXIY ASARLARNING O‘RNI 172

AZIZ MUSHTARIY!

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning “Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligini keng nishonlash to‘g‘risida”gi PQ-4865-son Qarorida “Alisher Navoiy asarlarida teran ifoda topgan milliy va umuminsoniy g‘oyalarning jahon tamaddunida tutgan o‘rnini hamda o‘sib kelayotgan yosh avlodning intellektual salohiyatini oshirish, ular qalbida yuksak axloqiy fazilatlarni tarbiyalashdagi beqiyos ahamiyatini nazarda tutib, shuningdek, ulug‘ shoir va mutafakkirning adabiy-ilmiy merosini mamlakatimizda va xalqaro miqyosda yanada chuqur tadqiq qilish va keng targ‘ib etish…” lozimligi alohida ta’kidlangan.

Bu filologiya ilmi va navoiyshunoslik, xususan, adabiy ta’sir, qiyosiy adabiyotshunoslik, matnshunoslik va tarjima masalalari bilan shug‘ullanayotgan tadqiqotchilar zimmasiga jahonning ilg‘or texnologiyalari, nazariy g‘oyalariga hamohang ilmiy tadqiqotlar yaratish vazifasini yuklaydi. Olimlarimizning ilmiy salohiyati, innovatsion g‘oyalarini jahonda targ‘ib qilish va qo‘llab-quvvatlash maqsadida xalqaro nufuzga ega ushbu jurnal ta’sis etildi.

“Alisher Navoiy” deb nomlangan ushbu jurnalda navoiyshunoslik, Navoiy adabiy merosining umumjahon tamaddunida tutgan o‘rni va adabiy ta’sir masalalari bilan shug‘ullanayotgan tadqiqotchilarni o‘z maqolalari bilan ishtirok etishga taklif qilamiz.

TAHRIRIYAT

УВАЖАЕМЫЙ ЧИТАТЕЛЬ!

В Постановлении №ПП-4865 Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева “О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои” особо отмечается “огромное значение произведений Алишера Навои, в которых нашли глубокое отражение национальные и общечеловеческие ценности, в развитии мировой культуры, их роль в повышении интеллектуального потенциала и духовно-нравственном воспитании молодого поколения, а также в целях обеспечения дальнейшего изучения и популяризации литературно-научного наследия великого поэта и мыслителя...”.

Это ставит задачи перед филологами, навоиведами, исследователями литературного влияния, сравнительного литературоведения, текстологии и вопросов перевода создания научных исследований, соответствующих передовым мировым технологиям и теоретическим идеям. В целях пропаганды и продвижения научного потенциала и инновационных идей наших ученых учреждён данный международный журнал.

Приглашаем публиковать свой статьи в нашем журнале “Алишер Навои” отечественных и зарубежных исследователей, занимающихся изучением жизни и творчества литература Навои, его роли в мировой литературе, проблемами литературного влияния и сравнительной поэтикой.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИИ

DEAR READER!

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Miromonovich Mirziyoyev “On the celebration of the 580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi” No PP-4865 given the invaluable role of cultivating high moral qualities in their hearts, as well as the need to further study and widely promote the literary and scientific heritage of the great poet and thinker in our country and internationally .... “

This puts the task of researchers in the field of philology and Navoi studies, in particular, literary influence, comparative literature, textual studies and translation, in creating scientific research in harmony with the world’s advanced technologies and theoretical ideas. This internationally renowned journal was established to promote and support the scientific potential and innovative ideas of our scientists around the world.

In this magazine, called “Alisher Navoi”, we invite researchers who are interested in Navoi studies, the role of Navoi’s literary heritage in world civilization and literary influence to participate with their articles.

EDITORIAL

НАВОИЙ ВА СОБИР АБДУЛЛА

Ҳайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна
Қўқон ДПИ тадқиқотчиси
h.gulhayoxon90@gmail.com

For citation: Haydarova G. NAVOI AND SOBIR ABDULLA. Alisher Navoi. 2021, vol.1, issue 2, (149-154) pp.

DOI 10.26739/2181-1490-2021-2-17

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Алишер Навоий ғазалларининг XX аср ўзбек шеърияти вакилларидан бири Собир Абдулла ғазалларига кўрсатган таъсири ўрганилган. Бу таъсир талмеҳ бадиий санъати мисолида кўрсатилган. Алишер Навоий ва Собир Абдулла ғазалларида қўлланган талмеҳ санъати қиёсланиб, анъанавийлик ва ўзига хослик қирралари аниқланган. Собир Абдулла ғазалларидаги талмеҳлар мавзусига кўра гуруҳларга ажратилган. Шу билан бирга ўзбек адабиётшунослигидаги талмеҳ санъати ва жаҳон тадқиқотчилари томонидан кенг ўрганилувчи аллузия ҳодисалари қиёсланиб, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган. Бу жараёнда Собир Абдулланинг талмеҳ қўллаш маҳоратига ҳам баҳо берилган. Шоир ижодига Навоий ғазалиётининг таъсири ҳақида фикр юритилиб, анъана қолипларидан четга чиқиш сабаблари атрофлича ёритиб берилган.

Калит сўзлар: талмеҳ, аллузия, шеър ғояси, тарихий шахслар номлари, Собир Абдулла ғазалиёти, анъанавийлик ва ўзига хослик қирралари, ийҳом санъати, талмеҳ турлари, махсус луғат, қўлланилиши чекланган талмеҳлар.

НАВОИ И СОБИР АБДУЛЛА

Ҳайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна,
научный сотрудник Кокандского
государственного педагогического института,
h.gulhayoxon90@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В этой статье показано влияние газелей Алишера Навои на газели Сабира Абдуллы, одного из представителей узбекской поэзии XX века. Этот эффект иллюстрируется искусством талме, поэта литературного типа. Проведено сравнение искусства талме, использованного в стихотворениях Алишера Навои и Сабира Абдуллы, и выявлены аспекты традиции и оригинальности. Талме, использованный в произведениях Сабира Абдуллы, разделен на группы по тематике. При этом сравнивается искусство талме в узбекской литературе и широко изучаемые мировыми исследователями явления аллюзии, выявляются сходства и различия. В процессе также оценивалась способность Сабира Абдуллы использовать талме. Рассмотрено влияние газелей Навои на творчество поэта, подробно объяснены причины отклонения от норм традиции.

Ключевые слова: талме, аллюзии, поэтические идеи, имена исторических личностей, газалия Сабира Абдуллы, аспекты традиции и самобытности, искусство ийхам, виды талме, специальный словарь, талме с ограниченным употреблением.

NAVOI AND SOBIR ABDULLA

Haydarova Gulhayo Ahmadaliyevna,
a researcher of Kokand state pedagogical institute,
h.gulhayoxon90@gmail.com

ANNOTATION

This article illustrates the influence of Alisher Navoi's ghazals on Sabir Abdulla's ghazal, one of the representatives of Uzbek poetry in twentieth century. This effect is illustrated by the art of "talmeh" which a literary type of poet**.** The art of "talmeh" used in the poems of Alisher Navoi and Sabir Abdulla is compared and the aspects of tradition and originality are identified. Talmeh which was used in Sabir Abdulla's works is divided into groups according to the theme. At the same time, the art of "talmeh" in Uzbek literature and the phenomena of allusion, which are widely studied by world researchers, are compared and similarities and differences are identified. In the process, Sabir Abdulla's ability to use "talmeh" was also assessed. The influence of Navoi's ghazals on the poet's work is considered, and the reasons for deviating from the norms of tradition are explained in detail.

Key words: talmeh, allusions, poetic ideas, names of historical figures, Sabir Abdulla's ghazaliyya, aspects of tradition and originality, art of iyham, types of talmeh, special dictionary, talmehs with limited use.

Алишер Навоийнинг ижоди тадқиқ қилинар экан, юксак ғояларнинг мукаммал бадиий шаклда ифодаланиши учун имкон берадиган поэтик воситалар алоҳида изланишни талаб қилади. Шоир лирикасининг ғоявий-бадиий қиммати, санъаткорлигининг ўзига хос қирралари унинг бадиий тасвир воситалари доираси, шунингдек, уларни қўллаш усулларида янада аниқроқ намоён бўлади. Ўн олти хил лирик жанрдан ташкил топган "Хазойин ул-маоний" девонида маънавий, лафзий ва ҳам лафзий, ҳам маънавий санъатларнинг юздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифа учун хизмат қилади. Шулардан мутафаккирнинг маънавий санъатлар қўлланилган кўплаб ғазаллари навоийшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини жалб этади. Шоир шеъриятининг бадииятини чуқур ва атрофлича, тизимли тадқиқ этиш ҳамда кейинги давр ижодкорлари ғазалларидаги ижодий таъсирланиш манбаларини аниқлаш навоийшунослик олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мумтоз адабиётда машҳур тарихий шахслар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ жараёнлар, воқеалар, афсоналар, адабий асарлар ва жой номларига ишора қилиш санъати талмеҳ деб номланади. "Ўқувчи у ёки бу номга ишорани кўрар экан… шоир демоқчи бўлган ғояни, фикрни, туйғуни ёрқинроқ тасаввур қилади, чуқурроқ англаб етади"[Ҳожиаҳмедов 1999:41]. Бу жараёнда ўқувчи ўқиётган бадиий асари образларини ўша ишора қилинган номлар билан қиёслаб, ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини аниқлайди ва айнан шу ҳолат асарни тўлароқ англашига ёрдам беради. Шоир эса талмеҳ санъатини қўллаш орқали ифодалаётган фикрини нафақат бадиийлигини таъминлайди, балки шеърнинг таъсирчанлигини оширади ҳамда ўзининг ғоявий мақсадини ўз китобхонига образли тарзда етказиб бера олади.

Мазкур бадиий санъат Европа тадқиқотчилари томонидан ҳам ҳар томонлама кенг ўрганилиб келинмоқда. Бу бадиий ифода воситаси инглиз адабиётида аллузия (allusion) деб номланиб, битта махсус луғатга жамлаб чиқилган. Мазкур луғат салкам беш юз саҳифадан иборат бўлиб, Европа адабиётида қўлланилувчи барча аллузияларни қамраб олади. [Andrew Delahunty, Sheila Dignen and Penny Stock. 2001]

Аллузия (allusion) бу асарда тарихий шахс, воқеалар, афсона, жой номлари ва асар номлари ва қаҳрамонлари номларини келтириб, уларга билвосита ишора қилиш санъатидир. [https://www.yumpu.com/en

] Масалан:

To sail beyond the sunset, and the baths
Off all the western stars, until I die.
It may be that the gulfs will wash us down;
It may be we shall touch the *Happy Isles,*
And see the great *Achilles,* whom we knew. [George Kearns. 1987:413]

Шеър қуйидагича маъно англатмоқда: ботаётган қуёш нурлари остида чўмилиб, сузиб боряпман, ҳар тарафимда ғарб юлдузлари ўлгунимча нур сочиб турса қанийди, сузиб-сузиб сувлар менинг танамга урилиб орқага қайтяпти, бу сувлар бахтлилар оролига олиб боради, у ерда биз билган буюк Ахиллни кўраман. Мазкур шеърда *Happy Isle* - бахтлилар ороли ва *Achilles* -Ахиллес аллузия ҳодисасини ҳосил қилмоқда. Қадимги юнон мифологиясига кўра қаҳрамонлар, довюрак ва яхши инсонлар вафот этса *Happy Isle, яъни,* бахтлилар оролига тушади деган қарашлар мавжуд бўлган. Ахиллес(ёки Ахилл)-қадимги юнон афсоналарида Троя уруши давридаги "Илиада" қаҳрамонларининг энг ботири. Денгиз маъбудаси Фетида ўғли Ахиллесни ўлмайдиган қилиш учун товонидан ушлаб, муқаддас сувга ботириб олган, сув тегмай қолган товон қисми эса, Ахиллеснинг заиф томони бўлган. Ахиллес товонига теккан ўқдан ҳалок бўлгани учун "Ахиллес товони" ибораси заиф жой маъносини англатиши шундан келиб чиққан. Ахиллеснинг ҳаёти денгиз суви билан боғлиқлиги сабаб, шоир шу воқеага ишора қилган.

Демак, аллузия атамаси Шарқ адабиётидаги талмеҳга мос келади. Ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Алишер Навоий ижодида талмеҳнинг энг сара намуналарини кўплаб учратиш мумкин:

Аҳволима Фарҳод ила Мажнунга таажжуб,
Ишқ этти хирад аҳли қошида мени расво [Алишер Навоий. 1988:52].
Муфлис эрдим май қилиб синғон сафолим жоми Жам,
Хотирим вайронасин худ ганжи Қорун қилдило [Алишер Навоий. 1988:441].

Байтларда Фарҳод ("Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳод), Мажнун ("Лайли ва Мажнун"даги Мажнун), жоми Жам (машҳур афсонавий Жамшид жоми) ва Қорун (Мусо пайғамбар даврида яшаган бой одам) каби образларга ишора қилинмоқда.

ХХ аср ўзбек ғазалиётида сезиларли изини қолдира олган Собир Абдулла ижоди ўрганилганда, халафлар ижодидан таъсирланиш яққол кўзга ташланади. Чунки, унинг "ижодини мумтоз адабиёт таъсирисиз, адабий анъаналарсиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди"[Ҳайитметов 1988:60].

Ижодкорнинг мумтоз адабиёт анъаналаридан самарали фойдаланиб, ижодий ёндашуви кўплаб лирик асарларида намоён бўлган. Унинг ғазалларини таҳлил қилиш жараёнида маънавий санъатнинг бу кўринишига жуда кўплаб намуналар учратдик. Талмеҳ санъати қўлланган ёки ишора қилинган байтларни тўплаб, дастлаб, бу санъат турини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиб олдик:

1. Тарихий шахслар билан боғлиқ ғазаллар:

Бўлди банд йиллар ёзиш бирлан *Улуғбек* васфида,
Дарс ўқир ҳозирги кун Беруний<u>дек</u> донода *Шайх*[С.Абдулла 1976:1].
Қилиб шеъримда тасвир гуллаган ҳур Ўзбекистоним,
Гўзаллик нақшида мен ўзни *Беҳзод* айлайин, дўстлар[С.Абдулла 1976:46].
Берди жон *Мирзо Улуғбек* хира фонус остида,
Бўлмади кўнгли ёруғ афлок кашфиётидан! [С.Абдулла 1976:55].

2. Мумтоз адабий асарлар қаҳрамонларига ишора қилувчи ғазаллар:

Фарҳод келиб Хитодан, арман қизига ёрдир,
Тоғ қаздириб муҳаббат, сув васлига у зордир[С.Абдулла 1976:11].
Ҳар ҳалқа-ҳалқа занжир, дафъи жунунга тадбир,
Собир дилида армон, *Лайли* узор зулфинг[С.Абдулла 1976:21].
Минг қўшиқ камлик қилур ширин, дилоромлар учун,
Севгани минг-минг замон *Фарходидур, Бахромидур*[С.Абдулла 1976:31].
Ғизои руҳ олиб суҳбатнишин ширин каломлардан,
Қаламда тоғ қазиб, касбимни *Фарҳод* айлайин дўстлар[С.Абдулла 1976:46].
Бир кўриб *Ширин* жамолин Кўҳкан ойинада,
Сўнг ўзин занжирда кўрдишум замон миръотидан[С.Абдулла 1976:55].

3. **Географик жой номлари қўлланган ғазаллар.** Бундай турдаги ғазалларни ҳам ўз навбатида қуйидагича кичик гуруҳларга ажратиш лозим:

1) қадимий-афсонавий жой номлари келтирилган байтлар:

Фарҳод келиб *Хито*дан, арман қизига ёрдир,
Тоғ қаздириб муҳаббат, сув васлига у зордир[С.Абдулла 1976:11].
Бир кўриб Ширин жамолин *Кўҳкан* ойинада,
Сўнг ўзин занжирда кўрдишум замон миръотидан[С.Абдулла 1976:55].
Икки қатра кўз ёши кўнгил учун кўплик қилур,
Оқса гар шодлик тошиб *Сайҳуну Жайҳун* – кам анга[С.Абдулла 1976:68].

2) шоир ўзи яшаган даврдаги жой номлари қўлланган байтлар:

Келинг, устоз, жаҳонга қайтадан бўлди жаҳон яхши,
Жаҳоноролик ила сизнинг ул севган *Қўқон* яхши[С.Абдулла 1976:8].
Бўй тутди *Хиндиқушни,* маҳв этди эсу ҳушни
Ё мушк баданли меҳмон, ё мушкбор зулфинг[С.Абдулла 1976:21].
Шеър билан берсам салом мен ғойиба, *Шаҳрисабз,*
Ол алик кўнглум учун, қилмай баҳона, *Шаҳрисабз*[С.Абдулла 1976:21].
Бадахшонким… Шоҳимардонлар… Тяншан… [С.Абдулла 1976:33]
Ёзолса кошки эди сенга юз ғазал Собир,
Қўшишда *Андижоним,* шеърга моҳирона сўзинг…[С.Абдулла 1976:34]
Чеҳра очди *Марказий Фарғонамиз*,
Қувди чўлни мардимиз, фарзонамиз…
Ҳар ким қидирса топгай, билмайдиган киши йўқ,
Адреслари: *Қўқонда, кўча Низомий, Чархий*[С.Абдулла 1976:49].

4. **Адабий устозлар номлари келтирилган ғазаллар:**

На бордер шикваи муфлис, на бордир таъмаи *Муҳий,*
Ҳамиша йўқлагай сизни *Муқимий* деб, замон яхши[С.Абдулла 1976:8].
Мавлоно Абдураҳмон, Навоий, Лутфий[С.Абдулла 1976:11].
Қўшилганида ғазалга *Навоийёна* сўзинг…
Фироқу ҳажр тўла у, *Бобурона* сўзинг…
Тилингда *Нодиранинг* назмидек назокат бор… [С.Абдулла 1976:34]
Ким истаса *Муқимий*, гар музей ҳужрасидан,
Тургай муқим шу ерда шоир давоми *Чархий*[С.Абдулла 1976:49].
*Навойи*дан ўқиб уч-тўрт ғазал ширин талаффузда,
Қўлида "Чордевон", *Саъдий*, "Гулистон" бир ширин сўзлик
[С.Абдулла1976:54].

5. **Замондош шоир-у ёзувчилар номлари келтирилган байтлар:**

Меҳрибон дўстсанки *Мақсуд*, барчага парвода *Шайх*,
Кўрмадик дўстлар сени бир лаҳза истиғнода *Шайх.*
…Шайх деганда, сиз бунинг ҳайрони бўлманг ёшлар,
Ҳаммага манзуру, машҳур дўстимиз *Шайхзода Шайх*.
…Навқирон ёшлик, *Ғафур* бошлиқ кезиш ёдингдадир;
Гоҳ боғ сайрида соғар гашти, гоҳ саҳбода *Шайх* [С.Абдулла 1976:10].
…Тургай муқим шу ерда шоир давоми *Чархий*,
…Ғазалхон уста, *Мавлоно Ҳабибий*,
Ширидир суҳбати, доно *Ҳабибий* [С.Абдулла 1976:56].

6. Адабий асарлар номлари қўлланган байтлар:

Навойидан ўқиб уч-тўрт ғазал ширин талаффузда,
Қўлида *"Чордевон",*Саъдий,*"Гулистон"* бир ширин сўзлик
[С.Абдулла1976:54].

7. Муқаддас китоблар номлари.

Ким ўқибдир "сураи бахт"ни варақлаб кўп аср,
Мўтабар "Қуръон"дану, "Инжил"дану "Таврот"идан [С.Абдулла 1976:55].

8. Халқ миллий куйлари номи

Бериб сўз навбатин *Гулёру Шаҳнозу Ироқларга*
Қувинг бу базмдан бебаҳра ақлини йироқларга [С.Абдулла 1965:12].

9. Сув ҳавзалари

Катта Фарғона каналдан сув ичиб,
Яшнади чўл, унда мўл дурдонамиз [С.Абдулла 1965:43].

Бу гуруҳларни тузиш давомида, Собир Абдулланинг барча ғазаллари синчиклаб ўрганилди. Ажабланарлиси шуки, мазкур ғазалиётда Алишер Навоий ғазалларида кўплаб учрайдиган *пайғамбарлар ва уларнинг ҳаёти, фаолиятига ҳамда ҳукмдорларга* ишора қилувчи талмеҳлар умуман учрамади. Сабаб, "…XX асрга келиб ўзбек адабиёти, жумладан, шеърияти баъзан хоҳлаб, баъзан ихтиёрсиз равишда фақат ҳукмрон мафкурани акс эттирувчи воситага айланиб қолган даврларни ҳам бошдан кечирди. Унинг санъат эканлиги, ҳар нарсадан олдин инсон қалбининг энг нозик тебранишларини сўзга кўчирадиган ноширлик вазифаси унутилди..." [Ҳамдамов 2002:5]. Бу ҳол собиқ шўро ҳокимияти мустаҳкамлана бошлаган 30-йиллардан кейин авж олиб, қарийб мустақиллик давригача давом этган. Демак, XX аср ғазалиётида, хусусан, Собир Абдулла ижодида пайғамбарлар ва ҳукмдорларга ишора қилувчи талмеҳлар учрамаслигининг асосий сабаби ижтимоий омиллардир. Аммо шундай бўлса-да, бу ҳол Собир Абдулланинг мумтоз адабиётнинг жуда кўп имкониятларидан бебаҳра эканлигини англатмайди. Мафкуравий зўравонлик ва адабиётга тазйиқ кучайган ўша йилларда аруз вазнида ижод қилиш ҳам маълум жасорат эди. Чунки, "Партиянинг адабиёт устидан доимий назорати, кейинроқ пайдо бўлган конфликтсизлик назарияси муҳаббат мавзусидаги шеърларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бунинг натижасида арузга ва унинг жанрлари қатори ғазалга нисбатан нигилистик муносабат янада кучайди." [Қодиров 1993:21] Шу сабабли, Собир Абдулла ижодида пайғамбарлар образи ва Ислом динига оид тушунчалар учрамайди. Фақатгина бир ўринда, шоир вафотидан тўрт йил ўтиб, яъни, 1976-йилда, шоир ижоди тадқиқотчиси ва шу бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Малоҳат Абдураҳмонова кўмаги билан нашр этилган тўрт жилдлик "Асарлар" тўпламининг иккинчи жилдида, эллик бешинчи саҳифада Ислом динининг муқаддас китоби "Қуръон" номи ва тўрт буюк фаришталардан бири Азроил номи тилга олинади. Демак, Собир Абдулла мумтоз адабиёт ва унинг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш Ислом динидан яхши хабардор бўлган, фақат ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, бу билимларини ошкор эта олмаган.

Юқорида айтилганидек, ўзбек адабиётидаги талмеҳга мос келувчи аллузия ҳодисаси мавжуд. Масалан:

Time that with this strange excuse
Pardoned *Kipling* and his views,
And will pardon *Paul Claudel*,
Pardons him for writing well. [George Kearns1987:560]

Шеърда мазмунида вақт ҳамма нарсага даъво бўлиши, вақт кечириши, ва ҳатто Киплинг (Киплинг инглиз ёзувчиси 1865-1936, империалист) ва унинг империалистларни қўллаб-қувватловчи фикрларини ҳам; пардон Пол Клоудел (француз шоири, драматург ва давлат арбоби, 1868-1955 й.)нинг демократияга қарши қарашларини ҳам вақт унуттириши табиий ҳол деб айтилмоқда ва Киплинг, пардон Пол Клоудел номларига ишора қилиняпти. Кейинги шеърда Одам Ато ва Момо Ҳаво образлари инсоният рамзи сифатида келтирилиб, аллузия ҳодисасини ҳосил қиляпти.

Shining, it was *Adam and maiden*,
The sky gathered again
And the sun grew round that very day [George Kearns1987:587]

Кўринадики, Европа адабиётидаги *аллузия* ҳодисаси фақат келтирилаётган тарихий воқеа-ҳодиса, унинг оқибатлари ёки иштирок этган шахсларга ишора қилмоқда. *Талмеҳ* санъати эса, нафақат ишора қилибгина қолмасдан, айнан талмеҳни ҳосил қилган сўзлар ёрдамида яна бошқа бадиий санъатлар ҳам пайдо бўлишига замин бўлиши мумкин. Собир Абдулланинг мумтоз адабиётни пухта ўрганганлиги, ундан доим илҳом олганлиги юқоридаги хилма-хил талмеҳ турларидан ва бошқа ғазаллари таҳлилидан маълум бўлади. Унинг девонидаги ғазаллардан бирида шундай байт бор:

Кўзларинг дарё оқизди, сен уни "Сир" айладинг,
Мудда "Ому", кўзларингнинг ёши, "Зар афшон"иму? [С.Абдулла 965:12]

Байтни ўқиган ўқувчи, дастлаб, *талмеҳ* санъатининг бир намунасини кўради. Ундаги *Сир ва Аму* - Сирдарё ва Амударёнинг қадимий номлари, *Зарафшон* ҳам дарёнинг номи. Байт синчиклаб таҳлил қилинса, шоир бу ерда айнан шу сўзлар ёрдамида *ийҳом* санъати

ҳам ҳосил қилинмоқда. Биринчи маъноси: кўзларинг дарё оқизди, яъни, йиғладинг, Сирдарё сен уни сақладинг; кўзларингнинг ёши Амударёми ёки Зарафшонми? Яна битта маъноси: кўзларинг дарё оқизди(йиғладинг), сен уни сир сақладинг, кўз ёшларинг муддаоми ёки зар сочувчими? Демак, мазкур байтда маъно кўз ёшлар билан боғлиқлиги учун сув ҳавзалари номига ишора қилиб талмеҳ санъати ва сув ҳавзалар номига сингдириб юборилган маъно-лардан *ийҳом* санъати ҳам намоён бўлмоқда. Бунақа ҳодисалар инглиз ва умуман Европа адабиётида кузатилмайди. Мана шу ўринда ўзбек тилининг нақадар бойлигини ва маъно қатламлари серқирра эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, ҳар бир халқнинг маънавияти ва тафаккурига мос ҳолда бадиий асарларида машҳур қаҳрамон, афсона, жой, тарихий шахслар ва асарлар номини келтириш ҳамда уларга ишора қилиш мумкин. Бу ўзбек адабиётида талмеҳ дейилиб, унинг энг сара намуналари Алишер Навоий ғазалларида учрайди. Кейинги давр ижодкорларидан бири Собир Абдулла ҳам айнан Навоийнинг ғазалларидан илҳомланиб, эргашишга ҳаракат қилган. Бу кўр-кўрона эргашиш бўлмасдан, ўзининг дунёқараши, қолаверса, замон адабий муҳити таъсирида бирмунча янгиликлар қўша олгани учун ижодий таъсирланиш натижаси деб айтишимиз мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Andrew Delahunty, Sheila Dignen and Penny Stock. The Oxford dictionary of allusions. – New York: Oxford University Press, 2001.
2. George Kearns. English and western literature. – Macmillan / McGraw-Hill, 1987.
3. Абдураҳмонова М. Собир Абдулланинг ижодий йўли. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1972.
4. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. – Тошкент: Фан, 1988.
5. Собир Абдулла. Асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
6. Собир Абдулла. Девон. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965.
7. Муқимов Р. Собир Абдулла. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965.
8. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.
9. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
10. Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1993.
11. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988.
12. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. Монография ва мақолалар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.
13. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999.
14. https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Axill
15. https://www.yumpu.com/en
16. Longman Dictionary of Contemporary.

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALINING AXBOROT XATI

Alisher Navoiy xalqaro jurnali Amerika qo‘shma shtatlarining Crossref.org tizimiga kiritiladi hamda har bir maqolaga doi raqami beriladi. Jurnalda quyidagi ruknlar bo‘yicha maqolalar chop etiladi:

- **NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI**
- **NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI**
- **TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O‘ZBEK ADABIYOTI**
- **BAHOSIZ BITIKLAR** (Navoiy asarlarining qo‘lyozmalari, Navoiy merosi va matnshunoslik masalalari uchun).
- **ASLIYAT UMMONI** (asosan, ingliz, fransuz, nemis, rus, xitoy, yapon, koreys, hind tillariga).
- **NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI** (Navoiy nasri va nazmiga doir tadqiqotlar uchun).
- **ILM, OLAM VA OLIM** (Navoiy ilmiy merosi va turli ilmlarga doir qarashlari uchun).
- **HAQIQAT SARI SAFAR** (Navoiyning falsafiy qarashlari).
- **MA’RIFAT YOG‘DUSI** (Navoiy va islom ma’rifati, Navoiyning diniy-ma’rifiy qarashlari, Navoiy va tasavvuf).
- **NAVOIY POETIKASI** (Fasohat, balog‘at, badiiyat, aruz va qofiya bilan bog‘liq masalalar).
- **TURKIY MUMTOZ ADABIYOT TADQIQI VA UNING BOSHQA ADABIYOTLAR BILAN QIYOSI**
- **NAVOIY VA ADABIY TA’SIR MASALALARI**
- **NAVOIY VA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI**

MAQOLALARGA QO‘YILADIGAN TALABLAR:

- maqola 10-15 sahifa hajmida taqdim etiladi;
- maqolalar **o‘zbek, turk, tojik, rus, ingliz, fransuz** tillarida qabul qilinadi;
- Maqolaning tarkibiy tuzilishi:

1. Maqola sarlavhasi.
2. Muallifning F.I.SH., lavozimi, ilmiy unvoni, ish (o‘qish) joylari, viloyat, respublika va electron pochta adresi to‘liq keltiriladi.
3. Annotatsiya (maqolaning qisqacha mazmun va maqsadi, 100-150 ta so‘zdan iborat bo‘lishi lozim) **o‘zbek, rus, ingliz** tillarida beriladi.
4. Tayanch so‘z va iboralar **o‘zbek, rus, ingliz** tillarida (7-10 so‘zdan iborat bo‘lishi kerak).
5. Kirish (Introduction)
6. Asosiy qism (Main part)
7. Natijalar va muhokama (Results and Discussions)
8. Xulosalar (Conclusions)
9. Adabiyotlar (References) – alifbo tartibida keltiriladi (15-20 ta adabiyot).

- maqola Times News Roman shriftida, 14 kattalikda, 1 intervalda tayyorlanadi;
- havola(snoskalar)lar katta qavsda muallif familiyasi – nashr sanasi – sahifasi [Mo‘minov 2020: 25] shaklida keltiriladi;
- maqola tomonlari chap: 3 sm, o‘ng: 1,5 sm, yuqori va quyi: 2 sm;
- maqolada keltirilgan ma’lumot va dalillarning ilmiy asoslanganligi, ishonchli va ko‘chirmachilik holatlari uchun muallif(lar) mas’uldir.
- Maqolalar ekspertiza qilinadi. Ekspertlar tomonidan **tavsiya etilgan maqolalargina jurnalda chop etiladi;**
- tavsiya etilmagan maqolalar chop etilmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
- jurnalning 1 ta sonida muallifning faqat 1 ta maqolasi chop etiladi.
- Maqola so‘ngida mualliflar(lar) telefon raqamini kirirtishlari shart.

MUROJAAT UCHUN MANZIL:

Toshkent shahri Amir Temur ko‘chasi Matbuot;
Samarqand shahri Universitet xiyoboni 15, SamDU filologiya fakulteti
Tel.: +99891 527 68 22 Telegram raqami: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА “АЛИШЕР НАВОИ”

Международный журнал “Алишер Навои” будет включен в систему Crossref.org Соединенных Штатов Америки и каждой статье будет присвоен DOI. Статьи для публикации в журнале принимаются по следующей тематике:

- **НАВОИ И ВСЕМИРНАЯ ЛИТЕРАТУРА**
- **НАВОИ И ВОПРОСЫ ЯЗЫКОЗНАНИЯ**
- **ТЮРКСКАЯ И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ**
- **БЕСЦЕННЫЕ РУКОПИСИ** (рукописи произведения Навои, проблемы наследия Навои и текстологии)
- **ОКЕАН МЫСЛЕЙ** (переводы произведений Навои на английский, французский, немецкий, русский, китайский, японский, корейский, индийский языки)
- **ИЗЫСКАННОСТЬ ПРОЗЫ И ПОЭЗИИ НАВОИ** (для исследований в области прозы и поэзии Навои)
- **НАУКА, МИР И УЧЕНЫЙ** (научное наследие Навои и его научные взгляды)
- **ПУТЬ К ИСТИНЕ** (философские взгляды Навои)
- **ДУХОВНОЕ ОЗАРЕНИЕ** (Навои и ислам, нравственно-духовные воззрения Навои, Навои и суфизм)
- **ПОЭТИКА НАВОИ** (вопросы поэтики, системы аруз, ритмики и рифмы)
- **ИССЛЕДОВАНИЕ ТЮРКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ**
- **НАВОИ И ВОПРОСЫ ЛИТЕРАТУРНОГО ВЛИЯНИЯ**
- **НАВОИ И ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ**

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЕЙ:

- Объем статьи: около 10-15 страниц;
- Статьи принимаются на **узбекском, турецком, русском, английском и французском языках**;
- Структура статьи:

1. Название статьи.
2. И.Ф.О. автора, должность, научная степень, место работы (учёбы), область, республика, электронная почта.
3. Аннотация (краткое содержание и цель статьи, статьи в объеме 100-150 слов) на **узбекском, русском и английском языках**.
4. Ключевые слова и выражения на **узбекском, русском и английском языках** (7-10 слов).
5. Вступление (Introduction)
6. Основная часть (Main part)
7. Результаты и обсуждение (Results and Discussions)
8. Заключения (Conclusions)
9. Литература (References) в алфавитном порядке (15-20 наименований).

- Шрифт текста – Times New Roman; размер — 14 пунктов; межстрочный интервал — 1,5;
- Сноски приводятся в квадратных скобках с указанием *фамилии автора – года издания – страницы* [Мўминов 2020: 25];
- Параметры страницы: слева 3 см, справа 1,5 см, сверху и снизу по 2 см;
- Ответственность за научную обоснованность, достоверность приведенных в статье данных и оригинальность несут авторы статьи.
- Статьи проходят обязательную экспертизу. В журнале публикуются **статьи, рекомендованные экспертами к публикации**;
- Нерекомендованные публикации статьи не публикуются и не возвращаются авторам.
- В одном номере журнала публикуется только 1 статья автора.
- В конце статьи необходимо указать контактный номер автора.

НАШИ КОНТАКТЫ:

Ташкент, проспект Амира Темура, улица Матбуотчилар;
Самарканд, Университетский бульвар, 15, факультет филологии СамГУ
Тел.: +99891 527 68 22 Телеграм номер: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

ALISHER NAVOI INTERNATIONAL JOURNAL INFORMATION LETTER

Alisher Navoi International Journal is entered into the United States Crossref.org system and each article is assigned a circle number. The magazine publishes articles on the following sections:

• **NAVOI AND WORLD LITERATURE**
• **NAVOI AND LINGUISTIC ISSUES.**
• **TURKISH AND UZBEK LITERATURE OF THE TEMURIDS PERIOD**
• **INVALUABLE ESSAYS** (for manuscripts of Navoi's works, Navoi's heritage and textual issues).
• **ORIGINAL WORK** (mainly in English, French, German, Russian, Chinese, Japanese, Korean, Hindi).
• **BEAUTY OF NAVOI PROSE AND POETRY** (for research on Navoi prose and poetry).
• **SCIENCE, THE WORLD AND SCIENTIST** (for Navoi's scientific heritage and views on various sciences).
• **JOURNEY TO THE TRUTH** (Navoi's philosophical views).
• **THE LIGHT OF ENLIGHTENMENT** (Navoi and Islamic enlightenment, Navoi's religious-enlightenment views, Navoi and mysticism).
• **NAVOI POETICS** (Issues related to eloquence, maturity, art, rhyme and rhyme).
• **RESEARCH OF TURKISH CLASSICAL LITERATURE AND ITS COMPARISON WITH OTHER LITERATURE**
• **NAVOI AND LITERARY INFLUENCE ISSUES.**
• **NAVOI AND EDUCATIONAL ISSUES.**

REQUIREMENTS FOR ARTICLES:

• the article is presented in 10-15 pages;
• Articles are accepted in **Uzbek, Turkish, Tajik, Russian, English, French;**
• Structure of the article:
1. Article title.
2. Full name of the author, position, academic title, place of work (study), region, republic and e-mail address.
3. Annotation (brief content and purpose of the article, should be 100-150 words) is given in **Uzbek, Russian, English.**
4. Key words and phrases in **Uzbek, Russian, English** (should be 7-10 words).
5. Introduction
6. Main part
7. Results and Discussions
8. Conclusions
9. References - listed in alphabetical order (15-20 references).
• The article is prepared in Times News Roman font, 14 sizes, 1 space;
• references are given in parentheses in the form of the author's name - date of publication - page [Muminov 2020: 25];
• sides of the article left: 3 cm, right: 1.5 cm, top and bottom: 2 cm;
• The author (s) are responsible for the scientific validity, reliability and copying of the information and evidence presented in the article.
• Articles will be examined. Only articles recommended by experts will be published in the journal;
• Un recommended articles will not be published and will not be returned to the authors.
• Only 1 article by the author is published in 1 issue of the magazine.
• The author (s) must enter a phone number at the end of the article.

ADDRESS:

Tashkent city, Amir Temur street Press; Samarkand University Boulevard 15,
SamSU Faculty of Philology Phone: +99891 527 68 22
Telegram number: +99891 527 68 22 E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ALISHER NAVOIY. MOSKVA. SERPUXOV MAYDONI
Haykal Ravshan Mirtojiyev, Aleksandr Kuzmin va Igor Voskresenskiy muallifligida yaratilgan.

АЛИШЕР НАВОИ. МОСКВА. СЕРПУХОВСКАЯ ПЛОЩАДЬ
Статуя создана Равшаном Миртожиевым, Александром Кузьминым и Игорем Воскресенским.

ALISHER NAVOI. MOSCOW. SERPUKHOV SQUARE
The statue was created by Ravshan Mirtojiev, Alexander Kuzmin and Igor Voskresensky.